



SOME ISSUES OF INHERITANCE RIGHTS BY THE LAGISLATION

Davronova Rano Abdunazarovna ¹

¹ Master's Graduate School of Judges

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4768517>

ARTICLE INFO

Received: 5th May 2021
Accepted: 10th May 2021
Online: 15th May 2021

KEY WORDS

inheritance, testator, heirs,
unworthy heirs, hereditary
mass, will, property.

ABSTRACT

The article briefly explains the concept of inheritance, its features, differences from inheritance by will, analyzes the norms of inheritance by law and judicial practice in this area. Also, the views of scientists on this issue were studied and analyzed, proposals were made to improve the Civil Code of the Republic of Uzbekistan on inheritance.

ҚОНУН БЎЙИЧА ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Давронова Раъно Абдуназаровна ¹

¹ Судьялар олий мактаби магистратура тингловчиси

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 5-May 2021
Ma'qullandi: 10-May 2021
Chop etildi: 15-May 2021

KALIT SO'ZLAR

ворислик, мерос
қолдирувчи, ворислар,
нолойиқ меросхўрлар, мерос
таркиби, васиятнома, мол-
мулк.

Асосий қисм

Ўзбекистон

Республикаси

Конституциясининг 36-моддасига кўра, ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тугилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.

Маълумки, мулкдор ҳуқуқлари орасида тасарруф этиш ҳуқуқи марказий ўринни эгаллайди ва мазкур ҳуқуқ мулкдорнинг ўз вафотидан кейин унга тегишли бўлган мол-мулкнинг юридик тақдирини белгилашни ҳам ўз ичига олади.

ANNOTATSIYA

Мақолда қонун бўйича ворисликнинг тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари, васият бўйича ворисликдан фарқли жиҳатлари, қонун бўйича ворисликка оид қонун ҳужжатларида белгиланган нормаларнинг таҳлили ва бу борадаги суд амалиёти таҳлили қисқача очиб берилди. Шунингдек мазкур масала юзасидан олимларнинг фикрлари ўрганилиб таҳлил қилинди ҳамда Ўзбекистон Республикасида Фуқаролик кодексига қонун бўйича ворисликни такомиллаштиришга оид мулоҳазалар ишлаб чиқилди.

Бундай тасарруф этиш васиятнома асосида амалга оширилади. Бироқ васиятнома қолдириш мажбурият эмас балки, субъектив ҳуқуқ бўлиб, бу ҳуқуқни мулкдор амалга оширмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолларда эса ворисликнинг иккинчи асоси қонун бўйича ворислик вужудга келади ва вафот этган шахснинг яқин қариндошлари мерос тариқасида унга тегишли мол-мулк мулкдори бўлишлари мумкин бўлади.

Бугунги кунда фуқароларнинг мол-мулки объектлари доираси кенгайиб



бораётганлиги, мулкый ҳуқуқларнинг турли хил кўринишлари (акцияларга ва дивидендларга бўлган ҳуқуқ, банкдаги омонатларга бўлган ҳуқуқ, интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар, хўжалик жамиятлари ва ширкатларидаги улушга бўлган ҳуқуқ ва шу кабилар) вужудга келаётганлиги ҳамда хусусий мулкнинг миқдор ва қиймат бўйича чекланмаслиги (ФКнинг 207-моддаси 2-қисми), қонун бўйича ворислик ўтишининг янги шакллари (мерос трансмиссияси)нинг вужудга келаётганлиги қонун бўйича ворисликни ўрганиш, тушуниш ва унга оид ҳуқуқ нормаларини татбиқ этиш ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш заруратини юзага келтиради.

Суд амалиётида ҳам меросга оид ишлар сони кўпчиликни ташкил этаётганлиги ва бунда асосий ишлар қонун бўйича ворисликдан келиб чиқаётганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, 2015 йил давомида судлар томонидан мерос билан боғлиқ 951 та иш кўриб чиқилиб, шундан 748 та даъво қаноатлантирилган[1] бўлса, 2016 йилнинг биринчи чорагида судлар томонидан кўрилган даъво ишларининг умумий сони 35349 тани ташкил қилган бўлса, бундай ишларнинг 15 % ини мерос билан боғлиқ даъволар ташкил қилган[2].

Маълумки, мулкдор ҳуқуқлари орасида тасарруф этиш ҳуқуқи марказий ўринни эгаллайди ва мазкур ҳуқуқ мулкдорнинг ўз вафотидан кейин унга тегишли бўлган мол-мулкнинг юридик тақдирини белгилашни ҳам ўз ичига олади. Бундай тасарруф этиш васиятнома асосида амалга оширилади. Бироқ васиятнома қолдириш мажбурият эмас балки, субъектив ҳуқуқ бўлиб, бу ҳуқуқни мулкдор амалга оширмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолларда эса ворисликнинг

иккинчи асоси қонун бўйича ворислик вужудга келади ва вафот этган шахснинг яқин қариндошлари мерос тариқасида унга тегишли мол-мулк мулкдори бўлишлари мумкин бўлади.

Бугунги кунда фуқароларнинг мол-мулки объектлари доираси кенгайиб бораётганлиги, мулкый ҳуқуқларнинг турли хил кўринишлари (акцияларга ва дивидендларга бўлган ҳуқуқ, банкдаги омонатларга бўлган ҳуқуқ, интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар, хўжалик жамиятлари ва ширкатларидаги улушга бўлган ҳуқуқ ва шу кабилар) вужудга келаётганлиги ҳамда хусусий мулкнинг миқдор ва қиймат бўйича чекланмаслиги (ФКнинг 207-моддаси 2-қисми), қонун бўйича ворислик ўтишининг янги шакллари (мерос трансмиссияси)нинг вужудга келаётганлиги қонун бўйича ворисликни ўрганиш, тушуниш ва унга оид ҳуқуқ нормаларини татбиқ этиш ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш заруратини юзага келтиради.

Суд амалиётида ҳам меросга оид ишлар сони кўпчиликни ташкил этаётганлиги ва бунда асосий ишлар қонун бўйича ворисликдан келиб чиқаётганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, 2015 йил давомида судлар томонидан мерос билан боғлиқ 951 та иш кўриб чиқилиб, шундан 748 та даъво қаноатлантирилган[1] бўлса, 2016 йилнинг биринчи чорагида судлар томонидан кўрилган даъво ишларининг умумий сони 35349 тани ташкил қилган бўлса, бундай ишларнинг 15 % ини мерос билан боғлиқ даъволар ташкил қилган[2].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1112-моддасига асосан, ворислик икки асосда вужудга келади. Биринчидан, васият бўйича ва, иккинчидан, қонун бўйича.



Мулқдор ўзига тегишли бўлган хусусий мулкнинг тақдирини ўзи вафот этгандан сўнг унинг маълум бир шахс томонидан тасарруф қилинишини белгиламаган ҳолларда қонун бўйича ворислик амалга оширилади.

Қонун бўйича меросхўр мерос қолдирувчи билан қон-қариндошлик ришталари билан боғланган унинг аждодлари ва авлодлари, оила аъзолари, меҳнатга лаёқатсиз, унинг қарамоғида бўлган, оила аъзоси бўлмаган шахслар бўлишлари мумкин. Қонун бўйича ворисликнинг ўзига хос хусусиятлари бевосита Фуқаролик кодексида қонун бўйича ворисликка оид умумий нормалар мазмунидан келиб чиқади.

Шу нуқтаи-назардан келиб чиқиб, қонун бўйича ворисликнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, қонун бўйича ворислик асослари келишув мавзуси бўла олмайди. Аммо ҳаётда ва ҳатто, суд амалиётида ҳам бундай келишувлар учраб туради. Масалан, нотариал тартибда тасдиқланган васиятномага асосан фуқаро Сотиболдиев ўзига тегишли бўлган уй-жойни ва жамғарма банкида сақланаётган омонат маблағни набираси Баҳодиржонга васият қилиб қолдирган. Сотиболдиев вафотидан сўнг унинг вояга етган болалари судга мурожаат қилиб мерос қолдирувчи оғир касаллиги сабабли васиятномага имзо қилиш имконияти бўлмаган, васиятнома қалбакилаштирилган деган асосда уни ҳақиқий эмас деб топишни сўраганлар, аризани кўрган туман суди иш юритишни бекор қилиб, тарафларнинг мерос мулкани тақсимлаш ҳақидаги ўзаро келишувини тасдиқлаш тўғрисида ажрим чиқарган. Вилоят судининг раёсати вилоят прокурорининг назорат тартибида берган протестини рад қилиб, туман суди

ажримини қучда қолдирган. Республика Бош прокурори ўринбосарининг протести билан Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича суд ҳайъати туман судининг ажрими ва вилоят судининг қарорини бекор қилиб, ишни қайтадан кўришга юборган. Олий суд ҳайъати қарорида, иш бўйича васиятноманинг ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслигини аниқламасдан туриб, масалани ҳал қилиш мумкин эмаслигини ва бу масалада, васият бўйича ҳамда, шунингдек, қонун бўйича ворисликда ворислик асослари келишув мавзуси бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатган[4].

Иккинчидан, қонун бўйича ворислик вужудга келишининг шарти васиятноманинг бўлмаслигидир. Қонун бўйича ворислик у васиятнома билан ўзгартирилмаган ҳолларда ўз ўрнига эга бўлади. Мазкур қоида асосида қонун бўйича ворислик ҳар доим васиятнома мавжуд бўлмаганда амалга оширилади.

Учинчидан, қонун бўйича ворислик фақатгина муайян ҳолатлар мавжуд бўлганда вужудга келади. Бундай ҳолатлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- фуқаро васиятнома қолдирмасдан вафот этиши;
- васиятнома тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилиши;
- васиятнома бўйича меросхўрлар меросни қабул қилишдан воз кечганда ёки уни қабул қилиши;
- мол-мулкнинг муайян қисми васият қилиниши;
- васиятнома бўйича меросхўр мерос қолдирувчидан олдин вафот этиши;
- васиятномада кўрсатилган фуқаро мерос олиш ҳуқуқига эга бўлмаслиги.

Тўртинчидан, қонун бўйича ворисликда мерос мулк фақатгина қонунда қатъий белгиланган шахслар доирасига берилиши. Қайд этиш жоизки, қонун



бўйича ворисликда мерос мулк фақатгина мерос қолдирувчига қариндошлик ёки бошқа жиҳатдан тегишли бўлиши талаб этилади. Чунончи, қонун бўйича ворисликда биринчи навбатдаги ворислар (мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан фарзандликкаолинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар), мерос қолдирувчининг вафотидан кейинтуғилган болалари); иккинчи навбатдаги ворислар (мерос қолдирувчининг туғилган ҳамда она (ота) бир ота (она) бошқа ака-укалари ва опа-сингиллари, шунингдек унинг ҳам ота, ҳам она тарафдан бобоси ва бувиси); учинчи навбатдаги ворислар (мерос қолдирувчининг туғилган амакиси, тоғаси, аммаси вахоласи); тўртинчи навбатдаги ворислар (мерос қолдирувчининг олтинчи даражагача (олтинчи даража ҳам шунга киради) бўлган бошқа қариндошлари); бешинчи навбатдаги ворислар (мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари) гина мерос олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Бешинчидан, қонун бўйича ворисликда меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқининг ўтишига йўл қўйилиши. Қонун бўйича ворисликнинг мазкур ўзига хослиги шунда намоён бўладики, унга агар васиятнома бўйича ёки қонун бўйича ворисликка қақирилган меросхўр мерос очилганидан кейин уни қабул қилиб олишга улгурмасдан вафот этган бўлса, унга тегиши керак бўлган меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи унинг қонун бўйича меросхўрларига, агар барча мерос мол-мулк васият қилинган бўлса, унинг васият бўйича меросхўрларига ўтади.

Олтинчидан, фақатгина қонун бўйича ворисликда меросдан мажбурий улуш олишга йўл қўйилади. Унга биноан мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки

меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан фарзандликка олган болалари, шунингдек меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан уни фарзандликка олганлар, васиятнома нинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлганулушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар.

Айни пайтда амалдаги қонун меъёрларида мулк эгасининг вафотидан сўнг унинг барча мол-мулки ворисларига ўтиши белгилаб қўйилган бўлса-да, васиятнома қолдирилмаган ҳолларда баъзан айни бир мулкни бир неча меросхўр ўртасида тақсимлаш билан боғлиқ низолар сони юқори кўрсаткични сақлаб қолмоқда. Хусусан, амалдаги Фуқаролик кодексида айрим масалалар юзасидан қонун бўйича ворисликка оид ҳуқуқий бўшлиқлар мавжуд бўлиб, бу ҳам ўз навбатида қонун бўйича ворислик институтини такомиллаштириш заруратини тақозо этмоқда. Жумладан, Фуқаролик кодексининг 1115-моддасида деҳқон (фермер) хўжалиги ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини мерос қилиб олиш, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу Кодекс қоидалари билан тартибга солиниши қайд этилган. Таъкидлаш жоизки, деҳқон ва фермер хўжалиги бошлиғи вафот этган тақдирда, томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи (Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни 9-моддаси), ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи (Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни 12-моддаси) шу хўжалик аъзоларининг ўзаро келишуви асосида, деҳқон, фермер хўжалиги фаолиятини давом эттириш



истагида бўлган хўжалик аъзоларидан бирига мерос бўйича ўтади. Бунда масаланинг муаммоли жиҳати шундаки, қайд этилган вазиятда табиийки, барча хўжалик аъзолари ҳам бугунги кунда ер участкаларининг кишлоқ хўжалиги учун аҳамиятидан келиб чиқиб, ерга бўлган мерос ҳуқуқини қўлга киритишга ҳаракат қилар эканлар, судга мурожаат қилганларида айнан хўжалик аъзоларининг қайси бирига деҳқон ёки фермер хўжалиги ерини олиб бериш масаласи қонунчиликда бўшлиқ сифатида қолиб келаётганлиги учун суд амалиётида қийинчиликларга дуч келинмоқда. Ваҳоланки, деҳқон, фермер хўжалигига берилган ер участкасини тақсимлаш мумкин эмаслиги [3] сабабли айнан қайси хўжалик аъзосига ерни олиб бериш масаласи қонунчиликда ҳал этилмаган.

ФКда қонун бўйича ворисликка оид нормалари ўртасида ўзаро зиддиятларнинг мавжудлиги ҳам ўз навбатида қонун бўйича ворислик институтини тадқиқ этиш заруратини тақозо этмоқда. Масалан, Фуқаролик кодексининг 1119-моддасида нолойқ меросхўрлар доираси белгиланган бўлиб, бунда мазкур модданинг биринчи қисмига мувофиқ мерос қолдирувчини ёки эҳтимол тутилган меросхўрлардан

бирортасини қасддан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига суиқасд қилган шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Ўз навбатида эса, ФКнинг меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига бағишланган 1142-моддасида мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан фарзандликка олган болалари, шунингдек меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан уни фарзандликка олганлар, васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлганулушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб олишлари белгиланган. Бунда қайд этилган нормалар ўртасидаги зиддият шунда намоён бўладики, мерос қолдирувчининг нолойқ меросхўри деб топилган шахсларга ҳам меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқи бор ёки йўқлигига Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлда қабул қилинган “Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги Қарорида ҳам аниқлик киритиб ўтилмаган.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ёдгоров Х. Ворислик ҳуқуқи қонун ва васиятнома бўйича ворислик, васиятноманинг аҳамияти. www.supcourt.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича республика судларининг 2016 йил 1-чораги давомидаги иш фаолияти тўғрисида статистик маълумотлар тўплами. – Тошкент, 2016, - 6 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шарҳ: Илмий шарҳлар. Т 3./Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. —Тошкент: Vaktria press, 2013. 543 б.
4. Фуқаролик ҳуқуқи. (II-қисм). – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. - 734 б.